



ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ:

янги қонунчилик ривож

3

Гулуро РАХИМОВА,
Ўзбекистон халқ артисти:

ТАҚДИРГА ШУКРОНА АЙТАМАН



4



ЎЗ УЙИДА МЕҲМОНИМ

7

“МАЗАР” ДАН ҲАЗАР ҚИЛИНГ!



8

БЕТАКРОРИМСАН, ЯГОНАСАН, ОНА ВАТАНИМ — ЎЗБЕКИСТОНИМ!



Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги томонидан Республика болалар кутубхонасида мактаб ўқув қуроллари, дарсликлар, кийим-кечаклар, пойабзаллар кўرғазмаси ташкил этилди.

МАКТАБ ЯРМАРКАЛАРИ ЧОРЛАЙДИ

Мактабларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий ўқув-услубий воситалар, компьютер, мебель жиҳозлари билан таъминлаш юзасидан кенг қўламли ишлар амалга оширилаяптики, 2015/2016 ўқув йили ўқувчилар учун қутилганидан ҳам қувончли, ҳаяжонли ва ютуқларга бой бўлишидан умид қатта.

Шу боис, ота-оналарга қўлайлик яратиш мақсадида мамлакатимизнинг барча гўшаларида 10 августдан 10 сентябрга қадар фаолият кўрсатадиган 1876 та мактаб ярмаркаси — йирик савдо мажмуалари, бозорлар, 970 та умумтаълим мактабида ташкиллаштирилаяптир. Тоғли ва чўл худудларида юзга яқин автодўкон хизмат кўрсатмоқда. Уларда 26 турдаги ўқув қуроллари ва жиҳозлари сотуви ташкил этилди. Уларнинг аксарияти мамлакатимизда ишлаб чиқарилган бўлиб, асосий турдаги маҳсулотларни аниқланган эҳтиёж асосида мутасадди компания ва ташкилотлар етказиб бермоқда. Айниқса, мактаб ўқувчилари учун формалар коллекцияларини яратишда маҳаллий хомашёдан фойдаланилгани, табиий матоларни танлаш, мактаб кийимлари қўлай, ихчам, замонавий ҳамда гигиеник талабларга мос бўлишига алоҳида эътибор қаратилгани қувонарли. Шунингдек, маҳсулотларни сақлаш, ёнгин хавфсизлигини таъминлаш ва бошқа чоралар тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга оширилмоқда.

“Ўқитувчи” нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан янги ўқув йилига кизгин тайёргарлик кўрилган. 3 миллион 100 минг дона қайта нашрдаги, 600 мингдан ортиқ янги нашрдаги дарсликлар тайёрланди. Мактаб ўқувчилари учун ўқув, расм дафтарлари, ёзув ва қайд қоғози, 57 номдаги болалар адабиёти чоп этилди.



ЎзА суратлари

Шоҳсанам АБУЛОВА:

ОРЗУЛАРИМ ОСМОНДАЙ ЮКСАК

Бу жиккаккина, дид билан кийинган, кўзларида ўзига ишонч порлаб турган кизни биринчи бор Янгиер академик лицейида учратгандим. Ушанда Жиззах вилоятидан келган меҳмонлар олдиди Шоҳсанам ҳаяжондан юзлари қизариб, тикувчилик цехи ҳақида тўлқинланиб гапириб берган, тиккан кийимлари меҳмонларга ёққанди.

Шоҳсанамнинг ота-онаси асли Зомин туманидан бўлишса-да, Янгиерга келиб, туп кўйиб палак ёзганларига яқин ўттиз йил тўлибди. Худойберди ака ҳам, Муҳаббат опа ҳам зиёли — бири адвокат, бири зиё масканида фаолият юритишади. Шоҳсанам оилада иккинчи фарзанд, онаси Азиза ва укаси Авазхон Россияда таълим олишади. Синглиси Роза эса яқинда кунчиқор юрт — Японияга кетди, ўша ерда тахсилни давом эттириш учун йўланма олди.

— Негадир ўқиб борасида менга омад кулмади, — дейди Шоҳсанам озгина маъюсланиб. — Тошкент давлат Шарқшунослик институтига уч марта ҳужжат топширдим, киролмадим. Билмасам, балки билимим етмагандир, балки Аллоҳ мени тадбиркорлик йўналишига бошлаб тургандир. Ишқилиб, дастлаб Жиззах шаҳридаги “Гулсом либослари” ўқув марказида тахсил олдим. Дизайнер-модельерлик ишига қизиқиб, уйда тикувчиликни бошлаб юбордим. Шу орада Тошкент шаҳридаги “Машхура” ўқув марказида ҳам сабоқ олдим. Бу ерда тикувчилик сирларини, дизайн маҳоратини пухта ўргандим. Шундан кейин дадам менга имтиёзли кредит олиб, ўз бизнесимни бошлашимни маслаҳат бердилар. Лицейимиз директори Ифтихор ака буни эшитиб, жой ажратиб беришини айтганида роса суюндим. Дарҳол масъулияти чекланган жамият ташкил этиб, имтиёзли кредитга ҳаракат қилдим. Негадир шунча йил уриниб, ўқишга киролмай, ғурурим букилганиданми, қорхонамнинг номини “Қояли осмон” деб номладим: қоядек мағрур ва осмонга интилишимни билдириш учун. Аста-секин ишларим юришиб кетди. Албатта, бу ерда Нодира опам ва дўст-ёрларимнинг хизмати катта. Опам ўшанда ёш болали бўлиб, таътилда эди. Менга ёрдам бериш учун Янгиерга келди. Дугоналарим ва қариндошларимизнинг кизларини ҳам ишга тақлиф қилдим. Нодира



Замондошларимиз

опам билан биргаликда уларга чок сирларини кунт билан ўргатдик. “Машхура” ўқув марказида ўқиб юрганымда бичкичилик маҳоратини эгаллаганим кийимларнинг бежирилигини таъминлади, шекилли, бизнинг маҳсулотларга талаб кўпайди. Дастлаб, худуддаги академик лицей ўқувчилари учун кийимлар тайёрлаш буюртмасини кўлга киритдик. Ҳозир эса Янгиер шаҳридаги касб-хунара коллежлари ўқувчилари ҳам бизнинг цехда тайёрланган формаларни кийишади. Ўқитувчиларнинг иш кийимини ҳам тикамиз.

Бу йил Шоҳсанам Абулова “Ташаббус” кўрик-танловда иштирок этиб, “Энг фаол хунараманд” йўналишида вилоят босқичига йўланма олди.

— Вилоят босқичида менга ўхшаган, интилувчан йигит-қизлар жуда кўпчилигини кўрдим, — дейди Шоҳсанам. — Айланиб юриб, уларнинг маҳсулотлари ҳам ранг-баранглигини, ҳар бирининг ўз олдида кўйган аниқ мақсади борлигининг гувоҳи бўлдим. Танишиб, суҳбатлашдим, кўп нарсаларни улардан ўргандим. Янаги йил бу кўрик-танловга алоҳида тайёргарлик билан келишни ният қилдим.

Нозиккина бу кизнинг қалбидаги орзулар осмон каби юксак: ўқув маркази очил, Янгиер шаҳри ва шаҳар атрофидаги қишлоқ қизларига тикувчи-дизайнерлик сирларини ўргатиш — нияти.

Зебо ХАЙДАРОВА.
Сирдарё вилояти.

“БАХТ УЙИ”ГА МАРҲАМАТ!

Яратил, янгилашил жамият ҳаётига ҳам хос жараён-дир. Юртимизда янги уй-жойлар, маданий-маърифий масканлар, ижтимоий объектлар, хизмат кўрсатиш шохобчалари фойдаланишига топширилиши яхши анъанага айланган. Бундай муҳташам иншоотлар Ватанимиз чиройига кўрк бағишлайди, юртодошларимизнинг турмуши фаровонлигини янада оширади.



Сўнги йилларда бюджет маблағлари ҳисобига адлия органлари — ФХДЁ бўлимлари ва давлат нотариат идораларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Йигит-қизларни оилага тайёрлаш ва уларни никоҳдан ўтказиш маросимларини тантанали, бир умр эсда қоладиган тарзда таш-

кил этиш борасида худудларда замонавий ФХДЁ ва “Бахт уйи”лари қурилиб, фойдаланишига топширилмоқда.

Нукусда ҳам янги, муҳташам “Бахт уйи”нинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда сўзга чиққанлар давлат ва жамият тараққиётида оилалар мустаҳкамлигининг аҳамияти ва бу борада ҳукуматимиз томонидан қарати-

лаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик ҳусусида тўхталди. Шунингдек, ёш оилаларга “Қамолот” уйларининг топширилиши мамлакатимизда инсон манфаатлари йўлида олиб борилаётган изчил ишохотлар самараси эканлиги қайд этилди.

Замонавий ва миллий архитектура ечимлари уйғунлигида қад ростлаган муҳташам бинода янги оилаларнинг никоҳини қайд этиш тантанаси юқори савияда ташкил этиш учун барча қулайликлар яратилган. Никоҳ маросимларини қайд этиш зали, “Оила дорулфунуни”, “Келин-куёвлар” хужжатларини сақлаш ва бошқа хизмат хоналари бугунги кун талаблари асосида жиҳозланган ушбу “Бахт уйи” Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллик байрами олдидан халқимиз учун муносиб совға бўлди.

Тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси М.Ерниязов сўзга чиқди.

Феруза НУРУЛЛАЕВА,
журналист.
Қорақалпоғистон
Республикаси.

Тадбир

КЕКСАЛАР
ЭЪЗОЗДА

Глобаллашув жараёнида ёшларимизни ҳар томонлама етук қилиб тарбиялаш, истиқлол гояларига садоқат руҳида вояга етказиш, уларда ватанпарварлик ҳис-туйғуларини уйғотишда кекса, нуруний-фахрийларимиз тажрибасига суяниш зарур.

Миллий матбуот марказида Республика Маънавият ва тарғибот маркази томонидан “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастури юзасидан амалга оширилган ишлар “Мавзусида матбуот анжумани ўтказилди. Йиғилишда сўзга чиққанлар марказ томонидан аниқ чора-тадбирлар режаси белгилаб олинганлиги, бир қатор ташвиқот ишларини аниқ манзилли дастурлар асосида йўлга қўйиб келаётгани хусусида айтиб ўтдилар.

— Марказимизда Давлат дастурининг бандлари бўйича мактаб, академик лицей, касб-хунара коллеж ўқувчилари ва олий таълим муассасалари талабаларидан иборат “Нурунийлар эъзозимизда” номли жамоа тузилган бўлиб, унда биз ёшлар билан биргаликда қарияларнинг хонадонларига ташриф буюрамиз, — дейди Маънавият ва тарғибот маркази бўлим мудири Гулчехра Маткаримова. — Уларнинг оғирини енгил қилишда, ишларини бажаришларида ёрдам беришга кўмаклашиб келаямиз. Шунинг билан бир қаторда, 38-банд ижросини таъминлаш бўйича марказимиз томонидан “Кексалар — оила чироғи” мавзусига бағишланган ўқув-методик қўлланма, ўқув-дастурларни чоп қилиш учун тақлифлар ишлаб чиқилиб, ҳамкор ташкилотларга юборилди. Жумладан, кекса, 100 ёшдан ошган отахон ҳамда онахонларнинг панду насихатлари, қарияларнинг тажриба ва малакалари умумлаштирилган “Кексаларни эъзозлаб, дуосини олайлик” номли тарғибот материали тайёрланди. Бу материал 800 нусхада кўпайтирилиб, марказимизнинг туман ва шаҳар бўлимлари, шунингдек, оммавий ахборот воситаларига тақдим этилгани қувонарли.

Қизиқарли ва сермазмун ўтган ушбу тадбир давомида қизгин баҳс-мунозаралар ташкил этилиб, журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Ширинхон МҰМИНОВА,
“Оила ва жамият” муҳбири.

Огоҳлик

ТАЛАБ ОДДИЙ,
АМАЛИЁТ ЖИДДИЙ

Ўт-олов тилсиз ёвга қиёсланади. Чунки содир бўлаётган кўплаб кўнгилсиз воқеаларда бу бало-офатнинг келтирилган аянчли талофатлари ўз аксини топган. Митти учқун аланга олиб, бир зумда атрофни қора қурумга айлантириши, ўт кетганда ҳўлу қуруқ кун-паякун бўлишини ёши улуг инсонлар яхши билишади.

Ҳар қандай кўринишдаги ёнғиннинг олдини олиш учун нафақат ўт ўчирувчилар, балки кенг жамоатчилик ўртасида тарғибот, тушунтириш ишларини кучайтириш лозимлигини ҳаммамиз яхши биламиз. Маълумотларга кўра, электр ускуналарининг носозлиги, яъни электр ҳисоблағичларда қўлбола сақлағичлар (предохранитель) қўлланилиши, симларнинг вақтинча бир-бирига боғлаб уланishi, болаларнинг олов билан ўйнаishi, электр ва газ пайвандлаш вақтида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик, спиртли ичимлик ичган ҳолда чекиш вақтидаги эҳтиётсизлик каби ҳолатлар аксар ҳолларда ёнғинлар содир бўлишига олиб келади.

Шу билан бирга, хусусий уйлар қурилишида ёнғинга қарши оралиқ масофаларни сақлаш, томлардаги ёғоч панжараларга махсус суяқлик билан ишлов берилмаслиги, химия деворлари қурилмаслиги ёнғиннинг катта майдонга тарқалиб кетишига сабаб бўлмоқда. Турар жойлар, ёзги ошхона ва тандирхона, молхона ва ем-ҳашакхоналар ҳамда ҳар жуфт хоналар орасида 6 метрдан кам бўлмаган ёнғинга қарши оралиқларни сақлаш керак. Ошхона, ҳаммом ва иситиш тизими қозонхонасини жойлаштиришда, табиий газ қувурларини ўтказишда ёнғинга қарши тўсиқлар, қаватлараро ёпмалар, ўтга бардошли мўрилар жойлаштириш, электр таъминотини траверслар орқали ўтказиш, бинонинг ёғоч конструкцияларидан электр симларини химия қобикларидан олиб ўтиш шарт.

Бу каби белгиланган оддий талаб-қоидаларга жиддий риоя қилсак, ҳар лаҳза ҳўшёр бўлсак, ўзимизни ҳам, ўзгаларни ҳам ўт балосидан асраймиз.

Бегжон РАҲМОНАЛИЕВ,
Раҳматулла ТОШМУҲАМЕДОВ,
Юнусобод тумани ИИБ ЁХБ
инспекторлари.

...Машхур Хоразм "Лазги"сининг дилтортар оҳанглари даврани жонлантириб юборган. Ҳамма кўтаринки кайфиятда. Кўшиқ авжига етганида техник носозлик туфайли фонограмма ўчди-ю, файзиёб давра бирдан "совиди". Кўшиқ ёзилган дискни қайтадан кўйишга ури-наётган йигитлар нуқулай аҳволда қолишган эди.

Гулуро РАҲИМОВА,
Ўзбекистон халқ артисти:

ТАҚДИРГА ШУКРОНА АЙТАМАН

Шу пайт қутилмаганда саҳнада майин ва ёқимли бир кўшиқ янгради:

Узоқ элдан келган азиз
меҳмоним,
Болама ўхшайди овозинг сани.
Тез хабаринг бергил
чикмасдан жоним,
Ўғлима ўхшайди овозинг сани,
Болама менгзийди-ей,
нолишинг сани...

Гўзал кўшиғи, соҳир овози билан даврадагиларни бир зум ўзига мафтун этган санъаткор — Огаҳий номидagi Хоразм мусикали драма театрининг таниқли актрисаси, Ўзбекистон халқ артисти Гуларо Раҳимова эди...

— Гуларо опа, кўшиқчиликда жонли ижронинг бу қадар ҳайратли таъсир кучини нима билан изоҳлаш мумкин?

— Дийдор ширин ва ганимат эканлигини тушунган ҳар бир кишига атрофдагилар билан мулоқот қилиш ёқимли туюлаверади. Жонли ижрони хонанда ва тингловчининг юзма-юз суҳбати деб биламан. Тўғри, санъат профессионали ижрони талаб этади. Хонанда бу даражага машаққатли меҳнат, изланиш, тинимсиз машқлар орқалигина эриша олади. Ҳеч кузатганмисиз, кўшиқчилик сирларидан мутлақо беҳабар, бутунлай бошқа соҳа вакили бирор ашулани қалбдан қуйласа, қандай самимий, нечоғлиқ ёқимли эшитилади. Ҳамма нарсанинг табиийси гўзал бўлади. Жонли ижронинг сирини кўшиқ юракдан чиқаришдадир. Кўз-кўзга тушиб турган онлардаги ижро эса қалбларни бир зумда ром эта олади.

— Хоразмча кўшиқларнинг сеҳри бўлакча. Айниқса, ҳар қандай юракка чўғ солғувчи "Лазги" ҳамани ўзига оҳанрабо янглиғ тортаверади. Кўп бора кузатганимиз, баъзан юртимизга келган сайёҳлар ҳам бу сирли навони тинглаганда беихтиёр рақсга тушиб кетишди...

— Хоразм санъати ҳақида гап кетганда кўпчиликнинг хаёлига фақат "Лазги" келади. Бироқ, бу юртининг кўшиқчилиги жуда бой. Масалан, "Хончикар", "Аликамбар", "Соқили наво" ва яна шу каби тингловчининг руҳиятига, ча, томир-томирларига етиб борадиган шўҳ ашулаларимиз бор. Биласизми, оҳангдор ашулалар ёки куйлар нима учун инсоннинг қалбига осонгина кира олади? Чунки уларда куч-ғайрат, тезлик ҳамда кўтаринчилик бор. Буларнинг барчаси ёшликка хос.

Оқдй мисол, аввал сиздан бир неча ёш катта кишининг юрак дупурларига, кейин эса ўзингизникига, сўнгра ёш боланикига қулоқ тўтинг. Ҳаммаси ойдинлашади. Табиийки, болаликда қалбингиз бегубор ҳисларга тўла, ташвишлардан холи, шунингдек, кўксингизда бир олам орзу умидлар, мақсадлар бўлади. Хоразм наволарини бир сўз билан ёшликка элтувчи тароналар дейишимиз мумкин. Бу даврга ким қайтишни хоҳламайди, дейсиз?!



— Кўпчилик сизни "Феруз", "Самарқанд ушшоғи", "Фарёд", "Гулузори", "Дугоҳ", "Бухоро тўлкини" каби мумтоз ҳамда "Ўзбекистон", "Ватан" каби замонавий кўшиқлар ва лапарларнинг нафақат моҳир ижрочиси, балки номдор актриса сифатида ҳам яхши танийди. Касбингизга бунчалик садоқатни кимдан ўргангансиз? Ота-онангизданми, ёки фидойи устозларданми?

— Дадам Раҳимберди ота ҳамда онам Холжон ая жуда содда, меҳрибон кишилар бўлишган. Иккаласи ҳам ҳўжаликда ишчи эдилар, эртадан-кечгача меҳнатдан бошлари чикмаган. Мактабда ўқиб юрган кезларимиз пахта теримида барча ўқувчиларни далага олиб чиқишар, ўшанда радиода мусика янграб турар, мен кўшиқларга жўр бўлиб, ҳаммага эшиттириб қуйлашни ёқтирардим. Овқатланиш вақтида мендан жонли ижро сўрашарди. Шу тариқа санъатга меҳрим кун сайин ортиб борарди. Ота-онам эса менинг ўқитувчи бўлишимни исташарди.

Оилада беш фарзанд эдик. Барчамиз ота-она измидан чикмаганмиз. 1966 йилда мактабни тамомлаб, Урганч давлат педагогика институтининг рус тили ва адабиёти факультетига ўқишга кирдим. Тўрт йил давомида кўшиқча бўлган меҳрим зарча ҳам камаймади, аксинча, институт қошидаги ашула ва ракс ансамблининг энг фаол аъзосига айландим. Институтни битиргач, ўз мутахассислигим бўйича Урганч шаҳридаги М.Харратов номли мусика йўналишидаги касб-хўнар коллежига (аввалги Урганч мусика билим юрти) ишга кирдим. Иш жараёнида ҳам танловлар ва байрамларда иштирок этиб, томошабинларнинг олқишларига сазовор бўлардим.

— Шундан кейин Огаҳий номидagi мусикали драма театрида иш бошлаган экансиз-да?

— Албатта, у вақтда билим юртининг тўртинчи курсида театрларда амалиёт ўтардик. Талабаларга кичик-кичик ролларни бериб, овозимизни

Гурунг

синовдан ўтказишарди. Бир куни менга "Нурхон" спектаклида бош қаҳрамон Нурхон образини ижро этишини кераклигини айтишди. Бу менинг саҳнадаги энг биринчи ва муваффақиятли ролим бўлди. Шундан кейин театрда қолишни таклиф қилишди. Кўп йиллик орзуларим рўёбга чиқди. Театрда иш бошлаган кезларим Ўзбекистон халқ артисти Бекажон Раҳимова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Назира Юсупова, Ражаббиди Бойжонова, Абдушариф Отажонов, Ўзбекистон Республикаси маданият ходими Шўҳрат Девонов, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Ибодулла Ниёзметовнинг ўғитлари мен учун катта маҳорат мактаби вазифасини адо этди. Уларни кузатдим, ўргандим, ҳар бир образимга муносабатларини сўрардим. Кейинчалик театримиз саҳнасида "Беруний" спектаклида Гулсанам, "Лайли ва Мажнун"да Лайли, "Ибн Сино"да Саидабегим, "Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам"да Шоҳсанам, "Марварид таққан аёл"да Ўғилой, "Авесто"да Дурдава, "Тўмарис"да Тўмарис, "Тошкентнинг нозанин маликаси"да Мунаввар, "Тошлар тилга кирганда"да Гулсал каби образларни талқин этдим. Фаолиятимни сарҳисоб қилсам, бугунги кунга қадар икки юзга яқин ролларни ижро этибман...

— Санъат ва оилани бирдек олиб кетиш аёл киши учун осон эмаслигини ҳаммамиз беш қўлдек биламиз. Ўқитувчилигимни давом эттириверсам-чи, деб ўйлаган пайтларингиз ҳам бўлганми?

— Айтсам, балки ишонмасиз ёки бу сўзларим кимгадир эриш туюлар, мен ўзимда ҳеч қачон чарқонли сезмаганман. Чунки доим эртанги кунимнинг режасини тузиб, бугунимнинг натижаларидан қувониб юрман. Яшаймиз, тириклик неъматидан баҳра олаёلمиз. Шунинг ўзи кишига катта бахт беради. Бундан ташқари, атрофингизда дўстларингиз кўп бўлса шукроналик туйғусини ҳис қилиб яшайсиз. Тақдир менга ўта хокисор, самимий инсоннинг умр йўлдоши бўлишни насиб этди. 1970 йили Владимир ака билан турмуш курдик. У киши рус миллатига мансуб бўлса-да, ўзбек театрини жуда яхши кўрарди. Асли касби архитектор, тасвирий санъатга қизиқар, манзараларни қоғозда акс эттиришга ихлосманд эди. Минг афсуски, раҳматлининг умри қисқа экан, икки йил аввал дунёдан кўз юмди. Қизимиз Камолахоннинг мусикага қизиқаётганини сезган дадаси, сен катта бўлсанг пианино чаласан, дерди. Мана, эндиликда Камолахон Ўзбекистон давлат консерваториясининг фортепиано йўналишини тамомлади. Ўғлим Владислав эса Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтида таҳсил кўраяпти.

— Гуларо опа, нима деб ўйлайсиз, аёлнинг бахти бутунлик макомига эришиши осонми?

— Ростини айтсам, болалигимдаги орзу-умидларимнинг барчасига эришдим. Оилам, касбим, фарзандларим бор. Қисмат мени кўп сийлади. Шунингдек, фалсафага ҳам қизиқман. Бугун дунё файласуфларининг ҳикматларини ўқиш, таҳлил қилиш сеvimли машғултим. Улардан бири шундай эди: "Мен аста-секинлик билан шунга ишонч ҳосил қилдимки, инсонларро муносабатдаги самимийлик, ҳақиқатқўйлик ва ҳаққонийлик ҳаётини бахтга эришишда катта аҳамиятга эга". Мана шундай бегубор феъл-атвор ва чин улғуворлик ҳаммамизга йўлдош бўлсин!

"Оила ва жамият" муҳбири
Барно МИРЗААҲМЕДОВА
суҳбатлашди.



ТАЗКИРА — ёзувчи ва шоирлар тўғрисида қисқача маълумот берилиб, асарларидан намуналар келтирилган, умуман, тарих, фалсафа ва санъат соҳасидаги воқеа ва шахслар ҳақида эсдалик руҳида ёзилган китоб, антология тилимизда "тазкира" деб аталади. "Тазкира" сўзининг туб илдизи "хабар", "ёдга олди", "зикр этди" деганидир.

Алишер Навоийнинг "Маҷолис ун-нафоис" тазкирасида унга замондош 459 та шоир ҳақида маълумот берилган.

Журналдан

СИЁҲ — сўзининг туб илдизи "қора" деган маънони англатади. Хат ёзишда ишлатиладиган суюқлик авваллари фақат қора рангда бўлгани учун уни ҳам "сиёҳ" сўзи билан ифодалаганлар. Кейинчалик ручка ичидаги бошқа рангдаги суюқлик ҳам "сиёҳ" сўзи билан ифодалана бошлаган.

Нодир ўқитувчисига ручкасининг сиёҳи тугаб қолганлигини баҳона қилди.

Журналдан

МҲЙНА — "мўйна", "мўйсафид", "мўйлов", "мўйчинак", "мўйқалам" сўзлари битта илдиздан ўйиб чиққанлигини ҳамма ҳам пўйқайвермайди. Бу сўзларнинг туб илдизи "туқ", "соч" маъносидagi "мўй" сўзига бориб тақалади. Тилимизда ҳайвонларнинг жунли териси маъносини ифодалаган "мўйна" сўзи асли "туқли" деган мазмунни ифодалаган.

Саркардаларнинг бош кийимлари савсар мўйнасидан бўлиб, погонлари олтин эди.

Садриддин Айний

Кўзларига ишонмагандек яна ўқиб, баданидаги ҳар бир мўйи тик бўлди.

Мирқарим Осим

АПРЕЛЬ ВА САВР — "Апрель" сўзи тилимизга латин тилидан кириб келган бўлиб, унинг туб илдизи "қуёш иситадиган" деган маънони англатган. "Савр" сўзи эса, шамсия йил ҳисобидаги иккинчи ойнинг номи бўлиб, бу ой 22 апрелдан 21 майгача давом этади. Шунингдек, ўн икки буржнинг бири ҳам Савр деб аталади. Савр буржи Ҳамал ва Жавзо буржларининг ўртасида жойлашган. "Савр" сўзи "буқа" деган маънони англатади.

Апрель дала-дашлар ва боғларни гулга буркади.

Журналдан

Момақалдиқроқ гулдурани, савр ойининг беқарор ёмғирлари юракка тўлқинланиш беради.

Журналдан

Эшқобил ШУКУР
тайёрлади.

2015 йил — Кексаларни эъзозлаш йили

Орамиздаги одамлар

ЙЎЛИ ОЙДИН ОНАХОН

Сафар Холбековни бекободликлар яхши эслашади. У кенг феъли, маҳалладаги катта-ю кичикка бирдек гамхўрлиги, зукко ва зиёли қанлиги билан хурмат-эътибор қозongan эди. Тақдир экан 63 ёшни қарши олганида Сафар ака ҳаётини тарк этди...

Сафар ака ва унинг турмуш ўртоғи Улбозор опа тарбиялаган фарзандлар бугун эл-юрт қорига камарбаста. Табиатан камсукум, ҳар бир гапини ўйлаб гапирадиган Улбозор она эса бугун пиру бадавлатлардан бири сифатида эъзоз ва қадр топган.

— Сафар ака билан салкам эллик йил умргузaronлик қилдик, — дейди онахон. — Инсон яшаган кун билан эмас, ибратли ишлари билан қадр топар экан. Мен бу хонадонга келин бўлиб келганимда рўзгор тутумларини яхши билмасдим. Шаҳарда ўсганман. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти (ҳозир университет) нинг сиртки бўлимида ўқирдим. Отам оғир бетоб бўлиб ётиб қолдилар ва ўша кезларда совчиликка бораётган қайнонамга: “Ўқишини эрининг уйида ҳам давом эттираверади”, деб розилик бериб юборидилар. Мен эса ичимда келинини ким ҳам ўқитарди, деган хавотирда эдим.

Тўнғич келинман, тўрт қайним ва бир қайнсинглим билан тезда тил топишиб кетдик. Қишда ҳовлини қордан тозалаяётсак, почтачи ўқишга чакирув қозони олиб келибди. Қайнотам қувониб: “Келин, ўқишга борадиган бўлдингиз, дарров тараддудингизни кўринг”, деганида суюнганимдан ўзимни қаерга қўйишни билмай қолдим... Ўша кезларда биздан кейинги Ҳасан-Хусан қайнилари ҳам талаба эди. Ўртамиёна оила учун у талаба билан бирдек ўқитишининг ўзи бўлармиди. Ўйлай-ўйлай, аввал йигитлар ўқиб олишсин, мен кейин давом эттирарман, деган қарорга келдим. Йиллар ўтди, бизга тўрт қиз, икки ўғилга ота-она бўлиш насиб қилди. Қайнотам Олланазар ота (охиратлари обод бўлсин) жуда саводли, зиёли инсон эдилар. Ун беш йил уч овсин бир ҳовлида ахил-иноқ рўзгор тебратдик. Турмуш ўртоғим тўйдан кейин ҳарбий хизматга бориб келиб, сўнг олий маълумотли бўлди. Болаларни катта қилишимда қайнонам, фариштасифат аёл — Куралай онанинг ўғитлариға, ёрдамлариға суюндим.



Сафар ака қишлоғимиздаги мактабда рус тилидан дарс берди. Кейинчалик раҳбарлик лавозимларида ишлади. Ўзлари мумтоз адабиётимизни теран англари, жаҳон адабиётини мутолаа қилишдан чарчамасди. Уйимиздаги мўъжазгина кутубхонамизга икки мингдан зиёд адабиёт намуналарини йиққанди. Болалар билан оилавий китобхонлик соатларини ташкил қилардик. Бугун фарзандларимиз қаторида набираларимиз ҳам ана шу оилавий кутубхонамиздан фойдаланиб, уни янги китоблар билан янада бойитиб келишяпти.

Ўзим тахсил ололмаган бўлсам-да, энди ўғил-қизларим олий ўқув юрталарида таълим олишди. Қизларим ўқитувчи, ўғилларим иқтисодчи. Энди навбат невараларга. Яқинда неварамнинг имтихони баҳонасида пойтахтга бордим. У ердаги ўзгаришларни кўриб хайратдан лол қолдим. Айниқса, ўқув даргоҳларида талабалар учун яратилган шароитларни айтмайсизми, мана-ман деган давлатлардан қолшмайди-я.

Мақтанишга йўймангу, меҳнат қилган одам кам бўлмайди. Ширин ташвишлар илинжида кунингиз ўтганини ҳам сезмай қоларкансиз. Ҳар кун келин-қизларимга: “Тўғри сўз, очик юз бўлинг, мендаги кўп хислатлар қайнонамдан ўтган, сизларда ҳам унинг аксини кўришни хоҳлайман”, деб маслаҳат бераман.

1992 йили турмуш ўртоғим Жумабозор худудиде 6 гектар майдонда “Саховат” фермер хўжалигини ташкил этганди. Фарзандларим ҳам отасининг изидан бориб ерга меҳр бердилар. Мана бугун хўжалигимиз ерлари кенгайиб 310 гектарга етказилди ва энди “Бекобод тонги” фермер хўжалиғига айлантирилди. Уни бошқараётган фарзандим Аҳмаддон акаси Саиддон билан бамаслаҳат иш туади. Жорий йилдан хўжалигимиз кўп тармоқли хўжаликлар қаторига киритилибди. Унда пахтачилик, ғаллачилик билан бирга шолчилик, балиқчилик, чорвачилик ва маиший хизмат кўрсатиш турлари мавжуд. Бир оиланинг иқболи кўзгани бундан ортиқ бўлмайди-да.

Нигора ЎРОЛОВА,
“Оила ва жамият” муҳбири.
Тошкент вилояти.

ДИЛДОШ, СУЯНЧИК ВА САХОВАТЛИ

Нарпайлик Муҳаббат Донаевани ана шундай самимий таърифларга лойиқ дейишмоқда маҳалладошлари

Шундай инсонлар борки, умри давомида атрофдагиларга фақат эзгулик нурини таратиб яшайди. Улар бамисоли қуёшга ўхшайди. Ана шундай қалбидарё инсонлардан бири Нарпай туманидаги “Амалбек барака савдо” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Муҳаббат Донаевадир. Унинг фаоллиги, фикри теранлиги, зукколиғига ҳавасингиз келади. Дастлаб Самарқанд кооператив (ҳозирги Иқтисодиёт ва сервис) институтини тамомлаб, Нарпай матлубот савдо корхонасида товаршунос бўлиб иш бошлаган Муҳаббат опа 2000 йили “Амалбек барака савдо” МЧЖни ташкил қилди. Бугун мазкур корхона тумандаги Кўхота, Х.Алиқулов, Гулистон маҳаллалари аҳолисиға 8 турдаги сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бермоқда.



— Инсонда аниқ мақсад, дадил ҳаракат ва қатъий ишонч бўлса, албатта, кўзлаган маррасиға етар экан. Бунинг исботини ўз ҳаётим мисолида кўраёпман, — дейди Муҳаббат Донаева биз билан суҳбатда. — Юртимизда Президентимиз раҳнамолиғида тадбиркорлик фаолиятиға қизиққан хотин-қизлар учун яратилган кенг имкониятлардан оқилона фойдаланган ҳолда иш юритяпмиз. 1 гектар деҳқон хўжалигимиз, 16 бош Голландиядан келтирилган сигиримиз бор. Худудимиздаги 3 та боғчани сут билан таъминляпмиз. Аҳолиға янада қулайлик яратиш мақсадида Ашур Расулов номли маҳалла марказида сартарошхона, пойафзал тузатиш устaxonаси, пайнет шохобчаси, “Жаҳонгир” тўйхонасини ишға туширдим. Бу ерда маҳалла ёшлари ишлашмоқда.

Тиниб-тинчимас Муҳаббат онанинг доим шижоат билан елиб-югуриб ишлаганини кўрган киши унинг иродасиға, сабру бардошиға қойил қолади. Ҳар кун, ҳар дақиқада хуш кайфиятда юриши, ўзгалар билан самимий муомалада бўлиши унинг фазилати.

Бир маҳаллар аввалиға мактабда, сўнгра эса институтда ҳам тиришқоқлик билан ўқигани, айниқса, буюк ёзувчиларнинг асарларини синчиқлаб мутолаа қилиб, ички дунёси, маънавиятини бойитиб боргани туфайли ҳам Муҳаббат опа элдошлари орасида обрў топди, эътибор қозонди.

Турмуш ўртоғи Нўъмон ака билан бир қиз, уч ўғилни тарбиялаб,

оқ ювиб, оқ тараган қаҳрамони мизнинг оиласиға бутун Ашур Расулов маҳалласи аҳли ҳавас қиладди, намуна сифатида тилға олади. — Уз маҳалласида эмас, балки Нарпай туманида ҳам бошқа хотин-қизларға ибрат бўлса арзийдиган Муҳаббат Донаева ҳақида ҳар қанча гапирсак ҳам кам, — дейди “Ашур Расулов” маҳалла фуқаролар йигини раиси Элмурод Умаров. — Уни кимдир жамоатчи, жонфидо опа, кимдир суҳбати самимий дилкаш аёл, кимдир саховатли, меҳрибон опа сифатида танийди, хурмат қиладди. У иш, оила ташвишларидан ортиб, маҳалла мизда ўтадиган ҳар бир тадбирда фаоллик кўрсатади. Кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалардан доимо хабар олади.

— Бу дунёға келиб англаган оддий ҳақиқатим шуки, ўз қадрдонларинг — оила аъзоларинг, жондай жигаргўшаларинг, хуллас, барчаға дилдош, суюнчик бўлиб яшаш энг катта бахт экан, — дейди Муҳаббат опа ғурурга тўлиб.

“Фидокор кишилар қуёшдек зарур. Улар жамиятнинг энг шорона ва ҳаётбахш элемент бўлиб, бошқаларға ҳаяжон, таскин берадилар ва ёшартирадилар”, деб ёзганида улуг рус ёзувчиси Антон Чехов қаҳрамонимиз Муҳаббат опаға ўхшаган фидойи инсонларни назарда тутган бўлса, не ажаб!

Ҳошим ОРЗИҚУЛОВ,
“Оила ва жамият” муҳбири.
Самарқанд вилояти.

РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА

«ЎКТАМХОН-НУР» ўқув маркази

қуйидаги ўқув курсларига таклиф этади:

Тикувчилик — 3 ой.

Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.

Аёллар костюм-шимми, плаш-пальто — 1-2 ой.

Ҳамшира — 6 ой (4 ой ўқиш, 2 ой амалиёт).

Ҳамшира (тезкор) — 3-4 ой (амалиёти билан).

Тингбий массаж — 3 ой (2 ой ўқиш, 1 ой амалиёт).

Торт ва пишириқлар — 2 ой.

Олий торт безатиш курси — 1 ой.

Уйғур, Европа таом ва салатлари — 2 ой.

Жаҳон таомлари — 2 ой.

Аёллар сартарошлиғи — 3 ой.

Тўй ва оқшом турмақлари ва макияж — 1 ой.

Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой (0 дан балансгача).

Элита парда ва чойшаблар тикиш — 1 ой.

Элита парда ва чойшаблар тикиш олий курси — 1 ой.

Бичиш-тикиш, моделлаштириш ва малака ошириш — 1 ой.

Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун).

Тирноқ, киприк ўстириш ва дипелляция — 1 ой.

Каштачилик — 3 ой (машинкада вышивка).

Тўқувчилик — 3 ой.

Инглиз тили — 3 ой, рус тили — 3 ой, турк тили — 3 ой, корей тили — 3 ой.

Бисер, яъни матога мунчоқли безак тушириш — 2 ой.

Декоратив гул ясаш — 1 ой.

Сарпо кўти ва саватлар ясаш — 1 ой.

Бисердан гуллар, дарахтчалар ясаш — 2 ой.

Карвинг (мева ва савзавотлардан композиция ясаш) — 3 ой.

Компьютер сабоқлари — 2 ой, интернет — 1 ой.

Барчаси амалиёти билан. Ётоқхона бор.

Ўқишни тугатганларга ДИПЛОМ берилади.

МАНЗИЛ: Юнусобод тумани 3-мавзе 1-уй, 31-хона. МЎЛЖАЛ: Юнусобод деҳқон бозори бош тарафи орқасида.

Тел: (8 371) 221-17-95, 221-77-72, +99894 678-50-30 225-97-93 (18⁰⁰ дан 22⁰⁰ гача).

ФИЛИАЛ МАНЗИЛИ: Яшнобод тумани Фаргона йўли кўчаси 4-уй, 40-хона. МЎЛЖАЛ: Қўйлик кийим бозори рўпарасида.

ТЕЛ: (8371) 295-97-82, +99894 678-50-30 (кундузи)

Хизматлар лицензияланган

Бир ҳовуч дур

Керак тарбият ёшлиқдан керак, Улуғ бўлса лозим келур ҳам емак.



Абдулла Авлоний

Одоб, бу ёмон сўздан ва ёмон ишдан ўзини тиймоқдир ҳамда ўзининг ҳам, ўзганиннг ҳам иззатини сақлаб, обрўсини тўқмасликдир.

Кошифий

Кўчада кетаётиб, рўна-рамдан чамаси 9-10 ёшлардаги икки боланинг югуриб келаётганига кўзим тушиди. Уларга ҳавас билан термулиб турганимда, бир лаҳза аввал кўнглимдан кечган ширин ўй-хаёлларим тутун каби ҳавода исиз йўқолди. Ўша мен "беғубор" деб атаётган болаларнинг ўзларидан олданда кетаётган қизларга қарата куракда турмайдиан, беҳаё сўзларни айтиб, сўнгга бир-бирларига мамнун ҳолда кулаётганини кўриб, ҳайратга тушдим. Наҳотки, болаликнинг беғуборлиги шу бўлса? Бу ҳолатни шунчаки "Ҳали бола-да!" дея баҳолаш керакми, ёки?..



Мулоҳаза

ТАРБИЯДА БЎШЛИК БЎЛМАСИН!

Етти маҳалла ота-онами?!

Азалдан кўча-кўйда болакайлар шўхлик ортидан ноҳўя иш қилса, ота-боболаримиз, бувларимиз шунчаки утиб кетишмаган. Уларга яхшигина танбех бериб, ҳатто уйга бориб, ота-онасига маълум қилмагунча, кўнгиллари жойига тушмаган. "Тарбияни биргина оила эплай олмайди, чунки кўчада болаларнинг ўзини қандай тутиши, нима билан машғуллигини кўпчилик кўради, кузатади. Агар болага маҳалладагилар ҳам бефарқ бўлмаса, ҳеч қандай кўнгилисизликлар рўй бермасди", — дейди кўшнимиз Робия буви.

Робия бувининг гапларида жон бор. Бугун кўпчилик бу ҳолатни кўрса ҳам индамай, кўрмасликка олиб кетади. Буни лоқайдлик, эътиборсизлик дейишимиз мумкин. "Бировнинг боласи билан нима ишим бор?" дегувчилар ҳам кам эмас орамизда. Аммо эътиборсизликнинг бошқа томони ҳам бор. Ота-оналарнинг ўз кўшниси, маҳалладоши ёки умуман бир бегона инсондан боласининг қилмишларини эшитиши уларга оғир ботади ва буни тўғри тушунишмайди. Шунинг учун ҳам ҳали 9-14 ёшли болаларнинг юқоридаги каби "шўхлик"лари кўпайиб, кучайиб бормоқда.

Компьютер ўйинлари қурсин-да!

Хонтош Саодатова, ўқитувчи:

— Мактаб ўқувчиларининг ёши катталарга, тенгдошларига, айниқса, қизларга агрессив муносабати, одобсизликларини кўриб, афсусланаман. Биз мактабда уларга қанчалик ўргатмайлик, барибир, уларнинг ўзларини тутиши ўқитувчиларни ҳам уялтириб қўяди, баъзида. Замоннинг шиддат билан ривожланиши уларнинг тарбияси ва онгига ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Шу ёшдаги болаларнинг кўпинча компьютер хоналарида ўтиришлари, турли хил ўйинларни ўйнаши, ўша жойдаги ака-опаларининг турли хил сайтларда ўтиришлари ҳам ушбу ҳолатларнинг бир сабаби, дейишим мумкин.

Бу борада бир маълумот: Англия ва Жанубий Корея мутахассисларининг тадқиқотларига кўра, болакайларнинг компьютер ўйинларини ҳаддан ташқари кўп ўйнашлари уларда агрессив ва асабий феъл-атворнинг шаклланишига олиб келмоқда. Ушбу тадқиқотлар давомида, компьютер ўйнаётган боланинг мияси текширилганда, унинг қизиган ёки оғриётган ҳолати кузатилган.

Ким кўпроқ жавобгар?

Бу саволга барча бир овоздан, албатта, оилани тилга олади. Шубҳасиз, фарзанднинг одобли бўлиб вояга етишида оила бирламчи омил ҳисобланади. "Қуш уясида кўрганини қилади", деган нақл асрлар оша ўз кучини йўқотмай келаётгани ҳам бежизмас. Айрим ота-оналарга фарзандлари устидан шикоят қилинганда, улар: "Нима қилайлик, қанча танбех берсак ҳам кор қилмапти", деб жавоб беришади. Ваҳоланки, танбех бериш, баъзи ҳолларда эса ҳатто савалаш тарбиянинг бир қисми, холос. Тарбиянинг асоси муҳитдан келиб чиқади. Оила, кўча, дўстлар давраси, ўқув даргоҳларидаги муҳитнинг соғломлиги болаларнинг ҳулқини шакллантиришда энг муҳим шартдир. Ушбу шартнинг бажарилиши ота-оналар зиммасидаги вазифа. Фарзанднинг кимлар билан дўстлашаётганига қизиқиш, тез-тез ўқув масканларидаги шароит билан танишиш, боланинг қандай гап-сўзларни эшитаётганига эътиборли бўлиш шулар жумласидандир.

Тарбия қачондан бошланади?

Бу саволга ҳар ким турлича жавоб беради. Кимдир бола ақлини таний бошлагандан сўнг тарбия беришни бошлаган маъқул, деса, бошқалар тарбия фарзанд туғилиши билан берила болаши керак, деб ҳисоблайди.

Ибн Сино бола тарбияси билан у туғилмасиданоқ, яъни она қориндалигидаёқ шуғулланган маъқул, дея таъкидлаганида минг бора ҳақдир. Уларнинг фикрича, тинч-осойишта жойларни сайр қилиш, яхши нарсалар ҳақида ўйлаш, гўзалликдан завқланиш билан бир қаторда, болага ширин сўзлар гапириш, ҳаттоки эртақлар ёки алла айтиб бериш ҳам унинг жисмоний ва руҳий ҳолатига ажойиб таъсир кўрсатади.

Бола тарбиясига эътиборли бўлиш — мураккаб, шу билан бирга, масъулиятли вазифа. Тарбиясизлик ва унинг орқасидан эргашувчи бошқа иллатлар нафақат бир оила, балки бутун жамият тараққиётига даҳл қилишини унутмайлик. Зеро, жамият фаровонлиги, юрт равнақи одобли, маданияти ёшлар қўлидадир.

Кумушбиби ЭРМАМАНОВА,
ЎзДЖТУ талабаси.

АЛБАТТА, ТАЪТИЛ БЕРИЛАДИ

Асраб олинган фарзанд парвариши учун ҳам оналик таътилига чиқиш мумкинми?

М.Уринова, Касби тумани.

— Бўлмасам-чи, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 235-моддасига асосан, янги туғилган болаларни бево-сита туғруқхонадан фарзандликка олган ёки васий қилиб тайинланган шахсларга бола фарзандликка олинган (васийлик белгиланган) кундан бошлаб, бола туғилган кундан эътиборан, эллик олти календарь кун, икки ёки ундан ортиқ бола асраб олинган (васийлик белгиланган) тақдирда эса етмиш кунга қадар давлат ижтимоий сўғуртаси бўйича нафақа тўлаган ҳолда таътил берилади. Бундан ташқари бундай шахсларнинг хоҳишига кўра, бола уч ёшга тўлгунга қадар қўшимча таътиллار ҳам берилади.

ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ КЕРАК

Болани фарзандликка олишни расмийлаштириш учун ФХДЭ органига қандай ҳужжатлар тақдим этилиши лозим?

С.Сафаров.

— Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2013 йил 31 декабрдаги буйруғи билан тасдиқланган фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида иш юритиш тартиби тўғрисидаги йўриқномадан 70-бандига асосан фарзандликка олишни расмийлаштириш учун ФХДЭ органига суднинг ҳал қилув қароридан кўчирма, фарзандликка олувчининг туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома, шунингдек, фарзандликка олувчиларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилади. Фарзандликка олувчилар икки ёки ундан кўп болани бир вақтда фарзандликка олган ҳолларда ҳар бир бола учун алоҳида суднинг ҳал қилув қарори тақдим этилади.

Саволларга Касби тумани ФХДЭ бўлими мудирини
Н.УМАРОВА жавоб берди.

ТУТИНГАН ОТА-ОНА

Одамлар баъзан бир-бири билан ўзаро муносабатлари яқинлашиб, тутинган ака-ука ёки ота-бола бўлиб кетишади. Айтинг-чи, тутинган ота-бола бўлишни қонуний ҳўжатдан ҳам расмийлаштириш мумкинми?

С.Мирзаева

— Тутинган ота-онани танлаш васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан амалга оширилади. Қонунчилигимизда бундай ота-онага улар тарбияга олган болага нисбатан васийлик ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланган. Оила кодексининг 198-моддасига асосан, вояга етган ҳар икки жинсдаги шахс тутинган ота-она бўлиши мумкин. Фақат айрим ҳолатлар бундан мустасно.

Жумладан, суд томонидан муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилганлар ота-она ҳуқуқидан маҳрум қилинган ёки ота-оналик ҳуқуқи чекланган шахслар, қонун билан зиммасига юклатилган мажбуриятни лозим даражада бажармаганлиги учун васийлик ёхуд ҳомийлик вазифаларини бажаришдан четлаштирилганларга бундай ҳуқуқ берилмайди.

Саволга Жомбой туман 2-сон ДНИ нотариусини
Гулнора ҚУРБОНОВА жавоб берди.

Оила тиласими

БУЗИШ ОСОН, ТУЗИШ ҚИЙИН

Никоҳ нафақат икки қалбни, балки, оилаларни ҳам боғлайди. Янги уйга келган келинчак бамисоли нав-нихол кўчатга ўхшайди. Унинг қай томонга қараб ўсишида хонадон эгаларининг "янги меҳмон"га қиладиган муомаласи муҳим аҳамият касб этади.

Тўрт ой аввал башанг кийинган бир йигит ҳузуримга кириб келди. У билан танишгач, оиласида муаммо борлигини билди олдим. Ўзининг айтишича, расмий никоҳдан ўтганига эндигина бир йил тўлибди. Аммо қайнона-келин можароси туфайли оиласи нотинч экан. Онасига келин ёқмай қолганмиш, шу сабаб ўғлидан у билан ажрашишни талаб қилаётган экан. Аёлининг оқида, зукко, боз устига оғирроқ эканлиги, ундан бошқасига кўнгил қўя олмаслигини аниқлаган йигит нима қилишини билмай, дилидагиларни менга айтиб берди. Бироз ўйлашиб кўргач, шу маҳалла маслаҳатчиси ишга солишни мақул топдим. Маълум бўлишича, қизнинг ёшлигида ота-онаси ажрашиб кетишганида одамлар аёлни энгилтақликда айблашган экан. Бу гапларни эшитган йигитнинг онаси келинида ҳам шундай воқеа содир бўлишидан ҳадиксираган. Маҳалла масла-

ҳатчилари келиннинг оиласи ҳақида суриштириб, бу гапларнинг бари аслида ёлғонлигини аниқлашгач, қайнонанинг шубҳа гумонлари йўқолди. Қудалар ўртасидаги муносабат янада мустаҳкамланди.

Яқинда шу қайнона набираси учун туғилганлик ҳақидаги гувоҳномани олишга келибди. "Ғийбатчи хотинларнинг гапларига ишониб хато қилганимда шундай ширин набиранинг бувисига айланмиш қайда эди, ўргилай", — дебди у.

Мен ҳам аёлман, онаман, кунига бир неча оилалар тақдирини туташтиришга ҳаракат қиламан. Айрим чоғларда бефарзандлик ёки ўлим ҳолатлари туфайли ришталари узилган оилаларни кўриб ачинаман. Азизлар, тарози посангисини тўғри тутишда ҳеч қачон янгилишмайлик. Зеро, халқона ибора билан айтганда, эр-хотин ўртасини бузиш осон, лекин тузиш жуда оғир иш. Шундай экан, билиб-билмай айтган икки оғиз ёлғон ёки бўҳтондан гўзал бир оилани парчалаши мумкинлигини унутмайлик.

Дилноза АЛИМОВА,
Олмалиқ шаҳар ФХДЭ бўлими мудирини.

САБР ВА ШУКРГА СУЯНГАН КАМ БЎЛМАЙДИ!

— дейди Бахмал туманидаги Қатортол қишлоғида умргузаронлик қилаётган Бебит момо ДЎСИЕВА

...Кўройдин махали. Чор-атрофдан болаларнинг қийқириги, бузоқларнинг "мў-мўв"и, тракторларнинг "тар-тар"и қоришиб келиб, ғайрихитиёрий сукунатни синдиради. Серсоя қайрағоч тагидаги супада момо ўтириб, кўкка елка тираган Туркистон тизма тоғларининг қирлари, адирлари, беллари, камарлари, зовлари, даралари ўзра гимирлаб юрган чўпон-чўлиқларнинг сурувларини кўз ҳадафига олади. Уларнинг ўчоқлари учқунлай бошлади. Бебит момоиз етмишдан ошган эса-да, ҳали кўзлари ўткир. Ўн саккизда ҳам ҳов ағани, Учқизнинг уч қиррач харсангини дурбунсиз оларди, ҳалиям шундай. Ёмон нарсага қарамаган, гўзал нарсаларгагина нигоҳини тиккан, виждон пардасидан нари ўтмаган... эҳтимол, шунинг учун кўзидан нур қочмагандир.

У боягидек ёстиққа суяниб, сўри ён-верига экилган райхонларни силади: бутун ҳовлида энгил шабада орқалаган ис тутиб кетди. Келинларнинг бири аста-секин шу томонга юриб, қайнонасининг қулоғига шивирлайди:

— Эна, кўшнимиз тўй маслаҳатига айтмадими?
— Йўқ.
— Бир гап ўтдимми?
— Ҳаёлидан кўтарилгандир-да!
Шу пайт ташқаридан бир овоз келиб, момони йўқлади.

Келин югургилаб келиб, деди:
— Тўй маслаҳати сизсиз бит-масмиш!

Момонинг доим фикри тоза: бировни ғийбат қилмайди, кек сақламайди, арзимаган гап-сўзни талашиб уриш-

майди. Туғилганидан бери бировнинг мушугини пишт демагандир, лекин ўзини тишлатиб ҳам қўймайди. У фарзандларининг гапини диққат билан тинглаб, ёқса: "Яхши ўйлабсан", маъқул тушмаса: "Яхшилаб ўйлаб кўр", кўнгли хушламаса: "Бекор ўйлабсан", дейди. Қаттиқ гапирмайди, мана шу юқоридаги гапларнинг ўзи улар учун етарли. Неваралар ҳам шу тарбияни олган: қизлари овозини қўйиб бақирмаганидек, ўғил болалар ҳам кўчадаги гапни уйга етаклаб келмайди.

Момо оҳиста қадамлар билан ташқарилади. Бир кур неваралари ортидан иярди. У дарвозадан чиқиб, боғнинг кунботаридаги бешбармоқ юзи ранг олганини сездди. У боғдаги барча меваларнинг қачон пишиши, қизариши, йиғиштирилишидан хабардор. Ўзи эккан, қараган, парваришлаган дарахтларнинг баъзилари шохини кўтаролмайдиган даражада мева туққан, шу сабаб айричўп қадаб қўйилган. Дарахтларнинг бетига ажинларда меҳнаткаш онахоннинг тақдирини, барча эзгу ниятлари яширин гўё.

Момо келгунча бўсагага сув сеппилди, кечликка таратдул бошланди. Келинлар шошилинқираб, кундалик юмушларига шўнғишди. Сигир соғиб бўлинди, куви пишилди. Ўчоқдаги шўрва қайнади.

Ҳамма момони кутарди.
...Бир сафар хангоматалаблик ортидан момоникига келганимда, у киши пилла боқабётган экан. Хангоматалаб кизиби, вақт ўтганини ҳам сезмабман.

— Оғир-босиқликда ҳикмат кўп, болам, — деганди ўшанда момоимиз. —

Чунки ўйлаб қиласан, бирор ишни бажаришдан аввал. Ёшинг кетавергани сайин яшаш бахти, ортингда қоладиган чирогингни ёқувчилар ҳақида ўйлайсан. Бировнинг бахтини инсон ўзиники қилолмайди, лекин ўзининг бахтинг атрофингдагиларни бахтли қилиши мумкин. Иккинчи жаҳон уруши йиллари барчамиз тинчлик, осейишталикнинг кадрини тушундик. Дунё беғам ўхлаётган болани кўрсам, беихтиёр ўша кунлар кўз олдимда гавдаланади. Онамнинг эстагига илашиб, далага бугдой ўримиға кетардим. Бугун бошқача, улар бемалол ўйнаб юришади.

Момонинг одамларга ишончи ўша-ўша: айтишича, илгари уни қизлик ўйидан олиб чиқиб кетишаётганида, "Ота, мени бунча ёш эрга бериб юбораяпсиз", деган экан. Отаси эса, дуо қилиб, борган жойингга тошдек қот, деб алқабган экан. Соддалик, ишонч, аёллик вафоси ҳали-ҳануз Омонлик отага ҳаёлан уни боғлаб туради. Салкам ўн беш йилдан буён момо фироқнинг дардли найзаларини ҳеч кимга сездирмай, ўтганларни дуо қилади, охирати обод бўлишини Яратгандан сўрайди.

Иймоннинг ярми сабр, ярми шукр этмоқликдир, дейилади ҳадиси шарифларда. Фарзандларини ўқитиш, уйли-жойли қилиш бир замонлар момонинг ширин ташвишлари эди. Энди фарзандларининг бари бир оиланинг боши.

Кайвони дарвоза ёнида кўриниши ҳамончок неварачеваралари ўша томонга қолишди. Қий-чув кўтариб, ҳасасасига ёпишди.

— Энажон, елкамдан ушланг! — деди Жамшид.

— Бунча қолиб кетдингиз! — деди Сўхроб.

Момо супага қараб йўналди.
— Жамшид, бор, даданг Саманга қарасин, девди. Олдига беда ташлаб кел! Мен ўзим юрвераман... Ҳа, опачангни узатаётган экан, шунга қолиб кетдим. Тақдирни осон ҳал қилмаслик керак: ўйлашиб-көнгашиб, кўрилади. Шунга кечқикдим. Онангнинг овқати пиддимми?

— Тагига оп кетгандир.
— Шўрва тагига олармиди?!
Кулишдилар.

Момо дастурхон атрофига ўтирганида ёнини неваралар, чеваралар, эваралар эгаллаб олди. Улар биринкетин энасини туртиб, қўшиқ айтиб беришга қистади.

**Узоққа борган қизнинг
Ранги сарик, ёр-ёр.
Кўзидан оққан ёши
Мисли арик, ёр-ёр.**

Келин ҳақидаги гап қиз набираларни бироз ўйлантирди. Улар ҳаёланариб, бувисига бир нарсалар дейишга тугинди-ю, бироқ яна боягидек мум тишлади.

Уларнинг тарбия воситаси шундайдир, эҳтимол. Бошдан-охир шундай асосда келажак авлодга таъсир этар. Уларнинг ҳаётда қоқилмай яшаши, оғир, чигал, кутилмаган вазиятларга ҳозир бўлиши шундай ҳаракатлар самарасидир.

Неваралар пинакка кета тушди, момони ҳам уюқ элди. Аста-секин кўзлари омилиб, бир куннинг интиҳосини мамнуният билан қабул қилгандек юзларига шукроналик акси балқиди. Кўз олдида бутун бир ўтмиш, ширин хотиралар, аччиқ-чучук ташвишлар, қувончу шодлиқлар гавдаланди... Шу аслида, яшаш бахти!

Олимжон ЖУМАОБОВ

Онда-сонда ёш синглимининг эркалигидан безган кезларда уни қойишга тушардим, отамнинг бир хўрайиб, секин: "Болам, синглинг ҳам бизнинг меҳмонимиз", деб шивирлашдан сўнг индамай қолардим. Тўриси, бу ҳақда ортиқча бош қотиришни хоҳламас, эҳтимол, бу гапни англайдиган ёшда бўлмагандирман...

Энди эса отамнинг ибратомуз гапининг маънисига тушунгандекман...

— Акажон, сўридамасиз? Қорнингиз очгандир. Ҳа дегунча, пишадди.

У даҳлизда нималарнидир қовларди.

— Шошма, Бону (эркалаб шундай атардик), туппа мантингни еб қорин оргигандан емаган яхши.

У кулди.
— Ҳали, шуниям соғинасиз.

Бироз вақт ўтиб, синглим қўлидаги тугунни яширганнамо олиб келаркан, жилмайиб менга юзланди:

— Топинг-чи, ичида нима бор? Майли, уч марта айтасиз! Тополмасангиз музқаймоқ...

Елка қисдим.

— Ким билади, сенинг яна қандай хунаринг бор. Шашками дейман? (Бекор пайт шашка ўйнардик).

— Э, ака, бу тугуннинг кичиклигини кўрмайсизми? Яхшилаб ўйланг!

У кўрсатич бармоғини мангайига уриб қўйди.
— Нима бўлса... қўйлакка матомикан? Ўқишдан вазифа берган, математика ё физикадан!

— Йў-э, китобни шунга ўраб юрадими?!
— Довчамасми? Эҳ, портрет ҳам.

У бош чайқайди.
— Анигини айтинг!

— Соат, аниқ! Кўрсат-чи?

Бону супага ўтириб тугунчани ечди. Ичида бир талай ўйинчок, дўппи ва рўмол, сурат, соат, тарок, яна кўғирчоқ кўринди. Улар худди неча йиллардан бери йиғилган галереяга ўхшарди.

— Музқаймоққа тушдингиз...
Тимтимакларга қараб уларнинг совға эканини

ЎЗ УЙИДА МЕҲМОНИМ



англаш мумкин эди. Портретни туғилган кунига атаб чиздиргандим.

— Буларни нега йиғиб юрибсан, хонага қўйсанг туради. Ким кўтариб кетади, ҳов ана, олча тагида Зийрак ётибди. Вов деса, бас.

У авайлаб ушлаб кўтараркан, майин жилмайди:
— Барини ўзингиз бергансиз, рўмол ўтган хайитда, соат Наврўзда, дўппини дугонанинг тўйига...

У барини тизиб кўя бошлади. Ҳар бирига синчиклаб қарай-қарай ахийри, кўғирчоқни олиб ўйнатишга тушди. Қўлда тикилган нимчаси, рўмол анича эскирган, аммо авайлагани учунми, асл ҳолича кўринар, ранги униққанди.

— Қани, акага ассалому алайкум, қил-чи! — У кўғирчоқнинг қўлчасини кўксига бостириб, бошини ерга уч марта эгдирди. — Отаси уйига келганда...

Унинг саломига алик олиб, кўғирчоқни қачон берганимни ўйлардим, миям бўм-бўш, тайинли фикр йўқ эди.

— Вой, акиси қистирмайсизми? Ўйнапти... Бек акамдан! Ана, пул ҳам ундирдик, раҳмат, де!

Синглимининг ишбилармонлигидан бир тарафдан кулсам, яна бир тарафдан унинг бармоғидаги узукка кўз тушгач, кўнглим алланечук эрирди.

Унинг яхши кўрган ўйинчоғи шу — кўғирчоқ: ҳамиша ўйнаса, келинчак қилади. Уни бир сафар йўқотиб қўйганида, йиғлай-йиғлай аллақердан топиб келганди.

— Ўзиям, кўғирчоқ билан тенгурсан-ов! Доим биргансан!

У бошини сарак-сарак қилди:
— Эсингиздами, бунни Ургутта борганда олиб келгандингиз!

Ҳаёлимдан кўтарилган эса-да, бош ирғадим. Қулоғимга ҳеч нарса кирмас, фақат отамнинг ўша гапини яна эслардим.

"Сен бизнинг энг азиз меҳмонимизсан. Уйимизнинг тўри сеники, қадрли меҳмоним! Ақаларининг ор-номусини асраган, уларнинг иқболини, бахтини Яратгандан тилаган — тилловчимсан!"

Мен бу гапларни фақатгина ичимда айта оламан. Негаки, уларни тилга олса, иддаога айланиб қолиши мумкин. Сен эса сохталикдан йироқ бўлиб ўсгансан!...

— Акажон, нега ҳаёл суриб қолдингиз? Вой, эсим курсин, овқатга қараш...

У ошхонага қолиб кетди. Чор-атроф бирдан хувиллаб қолгандек эди.

Олидсан эса майин ел елкалардан бир кўшиқ кулоққа кириб, кўзга аллақерларга, қачонлардан бери йиғиб ётган бир томчи ёшни қувиб келарди:

**Тоғда тойчоқ кишнайди
от бўлдим, деб ёр-ёр.
Уйда келин йиғлайди,
ёт бўлдим, деб ёр-ёр.
Йиғлама қиз, йиғлама,
тўй сеники ёр-ёр.
Остонаси тиллодан
уй сеники, ёр-ёр...**

О.АБДУЛЛАЕВ

“МАЗАР” ДАН ҲАЗАР ҚИЛИНГ!

Ойна

Шаҳарга қатнайдиған “Damas” да гурунглашиб борардик. Ёши ўттизлар атрофидаги аёлнинг тўй ҳақидаги гапидан кейин суҳбат беихтиёр бугунги тўйлар, қудалар ўртасидаги олди-берди ва бизнинг водий тарафларда галати урфга айланган “мазар”га улаиб кетди.

— Дадам бечора оддий ишчи бўлса-да, бизни бекаму кўст турмушга узатган, — дея гап бошлади ўша аёл. — Бир ойча бўлди, кенжа синглимни Фарғонадаги қишлоқлардан бирига узатдик. Оиламизда бошқа фарзанд бўлмаганлиги боис ота-онамни қийнамай деб, ҳар куни “мазар” ташийман. Ҳозир ҳам эрталабки но-нушта ва тушликни бир қилиб олиб кетяпман. Қудалар кўнгил учун бўлса ҳам: “Етар энди, бошқа олиб келманглар”, деган сўзни айтишмаяпти. Бўлмаса улар бизнинг оилавий шароитимизни яхши билишади. Дадам корхонада қоровул. Онам эса уйда. Бунинг устига ўғлим катта неваралиги учун унга кузда хатна тўйи қилмоқчимиз. Ўғлимга қўшиб менга ва турмуш ўрто-



гимга қайнона-қайнотам, асосийси, овсинларимнинг ёнида уялтирмайдиган даражада сарпо-суруғ қилиш керак. Кеча охири асабийлашиб ота-онамга ёзирдим: “Шундай бўлмагур одатни чиқарганга минг лаънат, шу “мазар”дан ҳазар қиладиган пайт ҳам келармикан, етар, бошқа бормаيمان” десам, улар синглимнинг янги тушган оиласида изза бўлишдан хавотир олишяпти...

— Эҳ синглим, нимасини айтасиз, бугун тўй-маросимларнинг ортиқча машава ва ҳашамлари кўпайиб кетди. Билмадим, авваллари “мазар” йўқ эди. Бу тўқликка шўхликдан, ўз бойлигини кўз-кўз қилишдан бошқа нарса эмас.

Қудасиникидан тугун-тоғора келишига кўз тикиб ўтирадиган бети қаттиқ қайнота-қайноналарни ким деб атаймиз? — дея гапга аралашди ҳайдовчи. — Яқинда бир танишим кўшни туманга қизини узатди. Тўйдан кейин тўрт ҳафта тинмай “мазар” берди. Қизи телефон қилиб, “Қайнонам уйдагиларингизга айтинг, ҳали уни, ҳали буни олиб келсинлар деяпти”, дебди. Бир куни сабр косаси тўлган оғайним тонг саҳарлаб телефон қилиб, уйига юк машина билан боришимни илтимос қилди. Борсам, салкам уч миллионга сотиладиган новвосини машинага юклади. Сўнг қизи келин бўлиб тушган уйга бордик.

Дарвозани очган эраққа куда бизни кўриб, ҳайратланди. Қизнинг дадаси жаҳл билан: “Куда, мана шу молни ўзларинг сўйиб, еб ўтиринглар”, деди ва машинага ўтириб ортга қайтдик. Бир неча кун ўтгач суриштирсам, кувёв томон уялганидан “тирик мазар”ни қайтариб юборибди ва бошқа овқат кўтариб келмасликларини илтимос қилибди...

Қизгин суҳбатни тинглаб кетаётган эллик ёшларга кирган бир аёл ҳам кўнглидагиларини дастурхон қилди.

— Ўтган йили кўшним кўш келин туширди. Иккала келин ҳам кўшни маҳалланинг қизлари. Оиласи, ота-оналари ҳам бизга яхши таниш. Ишонсаларинг, ҳар икки оиладан қирқ кун тинмай, “мазар” келди. Кўшним неча бор айтди, барибир “рақобат” тўхтамади. Ҳар замонда бизга ҳам турли егуликлар илинади. Бу ҳолатни кўриб, жуда ҳам хафа бўлдим. Уларнинг “мен сендан қоламанми” қабилидаги хатти-ҳаракатлари, исроф, увол нима эканлигини билмаслиги мени ёмон ранжитди. Ҳозир эса бу икки келин бир-бири билан тескари, кунора жанжаллаша-

ди. Кўшним ҳам қай бирига бўлишни билмай, боши қотган. Ота-она биринчи галда фарзандига яхши таълим-тарбия бериб, одоб-ахлоқли қилиб ўстириши керак. Ҳамроҳларимнинг ҳангомаларини эшитиб, манзилга қандай етиб келганимни ҳам билмай қолдим. Бу суҳбатларни хаёлимдан ўтказарканман, бугун ёш оилалар ва қудалар орасига тушаётган совуқчиликнинг, турли келишмовчиликларнинг, можароларнинг бир учи “мазар” деб аталмиш олди-бердига бориб тақалишини англадим. Аслида тўйдан кейин қирқ кунгача овқат билан йўқлаш шартми? Кимдир обрў қозониш учун, кимдир ўзини кўрсатиш учун қилаётган бу ортиқча сарф-харажат айримларнинг “бели синишига” сабаб бўляпти. Неча йиллардан буён бот-бот турли йиғинларда, оммавий ахборот воситаларида бу ҳақида иллатларнинг кераксиз даҳмаза эканлиги, уни йўқотиш зарурлиги айтиб келинади. Лекин, ижросига келганда хали-хануз томошабин бўлиб турибмиз.

Миролим ИСАЖОНОВ,
Андижон вилояти.

Реклама

Пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонлари ДИҚҚАТИГА!

Шу йилнинг 1-30 август кунлари **ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА РОССИЯ ЦИРК УСТАЛАРИНИНГ “СУВ УСТИДА КАТТА ТОМОША”** дастури асосида сув мушуклари, тимсоҳлар, илонлар, жайралар, тўтиқушлар, шимпанзелар, гозлар ва бошқа ҳайвонлар иштирокида қизиқарли томошалар бўлиб ўтади!

Томошалар ҳар шанба 15-, 22-, 29 август кунлари кеч соат 18.00 да, ҳар якшанба ҳамда 16-, 23-, 30- август кунлари эса кундузи 12.00 да ҳамда кеч соат 18.00 да бошланади.

Suv mushuklari, timsohlar, ilonlar, jayralar, to'tiqushlar, shimpanzalar, g'ozlar va boshqa hayvonlar ishtirokida

Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди

Тахририятга келган қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари мазмуни учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти — 15:00. Босишга топширилди — 15:00

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

ISSN 2010-7609



МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент — 100000, Амир Темурут кўчаси 1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

Бош муҳаррир:
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Навбатчи муҳаррир — Олимжон ЖУМАОБОВ

Саҳифаловчи — Акбар ШОДИЕВ
Мусахҳилар — Саидғола САЙДАЛИМОВ,
Камола АДАШБОВА

Хизматлар лицензияланган



МИТТИ ОТЛАР ХОТИРАСИ

Дунёнинг кўплаб хушманзара манзилларида куш парвози баландлигидан қараганда кўринадиган ажойиб ландшафт-дизайнерлик намуналарини кузатишингиз мумкин. Шулардан бири Буюк Британияда, Уэльс худудидаги Кайрфилли графлик шаҳри яқинида жойлашган. Унда сиз узунлиги 200 метр келадиган улкан от қиёфасини кўрасиз.

Дизайнерлар мазкур шаклни “Султон” деб номлашган. Уни яратиш учун 600 тонна сланец кўмири сарфланган. Ушбу санъат асари XIX-XX асрларда шахталарда ишлаган пин-пони митти отлари хотирасига бағишлаб бунёд этилган. Уша даврларда паст бўйли, кичик гавдали, аммо бақувват ва меҳнаткаш пин-пони отлари кўмири ортилган вагончаларни тортиб юришда кенг фойдаланилган. Бу отлар ер қаърида тинимсиз меҳнат қилиб, бор-йўғи уч йил яша-шарди. Аммо уларнинг табиат қўйнида, озодликда яшаётган қондошлари ўртача 20 йилгача умр кўришарди.

Наргиза СИДДИҚОВА тайёрлади.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 836. Формати А-3, ҳажми 2 табок. Адади — 4695. Баҳоиси келишилган нарҳда.

ОБУНА ИНДЕКСИ — 176

Қабулхона: (тел-факс) 233-28-20

Котибият: 233-04-35, 234-76-08

Web-site: oila-va-jamiyat.uz

1 2 3 4 5